

ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ ВА РУҲИЙ ОМИЛЛАРИ

Султонова Назокат

Фарду, ижтимоий иш талабаси

Юртимизда минг йиллар давомида шаклланиб келаётган, жамиятимиз ҳаётида адолат тамойилини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган, миллий ва маданий қадриятларимизни авлоддан авлодга етказиб берадиган ижтимоий институт бу оиладир.

Оила институтини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни фақат ва фақатгина давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан тизимли ва яқин ҳамкорлик орқалигина ҳал этиш мумкин. Бу борада ўз тараккиётининг мутлақо янги босқичига қадам қўйган Ўзбекистон ўзига хос тажрибага эга бўлиб, 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалаларга энг муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 февралдаги фармонида кўра жамиятда ижтимоий – маънавий муҳитни янада кўллаб – қувватлаш ҳамда оила ва хотин қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора –тадбирлари тўғрисидаги бу фармон жамиятимизда оилага бўлган эътиборнинг қанчалик даражада аҳамиятлилиги исботидир .Фармонга кўра Ўзбекистон Маҳалла ва оилани кўллаб – қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла”тамойилини ташкил этилиши оила ва маҳаллалардаги ижтимоий – маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши кўзда тутилган. Тарихдан бизга маълумки оила ва никоҳ муқаддас туйғу бу туйғуни озиқлантириш маънавий – руҳий омиллар асосида шакилланади. Ҳар бир оила қадриятлари, динимиз, урф одатлар миллий қадриятларимиз асосида ишлаб чиқиладиганлиги тўғри тушунтирилса ёшлар албатта бунга бефарқ бўлмайди. Оилавий муносабатлар энг аввало никоҳдан бошланади. Оила тарихи ўнлаб, ҳатто юзлаб минг йилликлар билан ўлчанади. Оила — энг аввало жамият асосини ташкил этувчи, болаларни тарбиялаш ва уларни шахс сифатида шакллантириш муҳити бўлган бирламчи ячейкасиدير.аммо оила никоҳга нисбатан анча мураккаб муносабатлардир.

Оилада фақат эр ва хотинлар муносабатлари эмас балки фарзандлар , қариндошларнинг бирлашувига ҳам эътибор қаратиш зарур. Ҳарб давлатларидан фарқли равишда бизда бу масалалар бир мунча кенгроқ шакиллантирилган. Ёш оилаларни тузишда уларнинг маънавий руҳий жиҳатларини шакиллантиришда диний, ҳуқуқий-иқтисодий асосларини ўрганиш муҳим асосга эгадир. Расулulloҳ(соллаллоҳу алайҳи ва

саллам)дедилар: “Фарзанд отасининг ҳақини ҳеч қанақасисига узолмайди. Фақат уни қулликка тушган ҳолда топса ва сотиб олиб озод қилсагина, унинг ҳақини узган бўлади” дарҳақиқат оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйилиши бўлажак оилаларни мустаҳкамлайди.

Мутафаккир Огаҳий ота- оналарга қарата, болани инсонни характер фазилатларни таълим – тарбия жараёнини эгаллаши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Огаҳий ушбу фикрини ривожлантириб, боланинг ёши улғайиши сари унинг биологик органлари мустаҳкамланади, умумий ҳодисаларни ҳамда мураккаб нарсаларни билишга интила боради, нарса ва ҳодисаларни яхшилик ва ёмонликни бир- биридан ажратадаган бўлади, умумий воқеаларни билиб бориши билан унинг ақли, тафаккури, салоҳияти такомиллашади, онги ўса бошлаши юзасидан хулоса чиқаради.

Огаҳий ўз асарларида ёшларни кўрқоқ, шижоатсиз бўлишдан кўра, мард ва жасур бўлишга ундайди. Кўпгина ҳолатларда оилаларнинг бузилишига моддий ахволнинг яхши бўлмаганлиги, ишсизлик ҳолатлари, ёш оила аъзоларининг ота ёки онанинг билимсизлиги, ахлоқий талаб даражасида жавоб бермаслиги кузатилмоқда. Бу эса фарзандлар тарбиясига салбий таъсир курсатиб келмоқда. Оила муҳитининг носоғломлиги бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Унинг феъл атворида ёлғончилик, хиёнаткорлик каби сабий иллатлар намоён бўлади. Бундай ҳолат эса жамиятда ўз ўрнини топа олмайдиган, эътиқоди суст, мақсад-маслаксиз инсонларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида психолог Феруза Акмаловнанинг мактабдаги ёшлар ўртасида олиб борган тадқиқотларида шу нарса кузатилганки, унда “Ота–онангизни оиласига ўхшаб яшашни хохлайсизми” деган савол берилганда, 35 фоиз ёшлар “йўқ” деган жавоб берган. Шундан билиш мумкинки, бугун ота –оналарни ўзларига маънавий, руҳий ,диний билимлар зарур. Қизларимизни турмушга беришдан олдин уларни оилага тайёрлиги, шу билан бирга йигитларни ҳам оилаларга тайёрлигини инобатга олиш бугунги кунинг долзарб масаласи. Шу кунгача “Оила маркази”, “Маҳалла институтлари”, “Фуқаролик институтлари” фаолият олиб борди аммо бу етарли эмас. Ҳар биримиз жамиятимиздаги ёшларни тарбиялашда маъсулмиз. Кўпгина ҳолда оилаларда ҳуқуқий билимларнинг етарли бўлмаганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Оила қонунчилигимизда ота- оналарнинг фарзандлар олдидаги ва фарзандларнинг ота–она олдидаги фазифалари белгилаб қўйилган. Афсуски, бу қонунларни барча оила аъзолари билмайди энг катта ҳатолик ҳам шунда. 2020 йилда статистик маълумотларга кўра, 2474 та оила ажримларга аризалар беришган, шундан 1972 ариза ярашиш билан тугатилган. Мамлакатимиз оғир бир даврни бошидан кечираётган бир вақтда Коронавирус пандемиясига қарши курашиш жараёнларида ҳам қонунларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлган фуқароларимиз

кузатилмоқда. Оилаларда маънавий зўриқиш, зўравонлик, моддий етишмовчилик, ишсизлик холаталрини кўриш мумкин. Шу сабабли оилада фарзандлар тарбиясида маҳалла, мактаблар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш орқали йўлга қўйилишига доимий эътибор қаратишимиз зарур. Фарзандлар тарбиясида мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларни моҳияти, бу ислохотлар орқали инсонларнинг яшаш даражаси, ёшларни илм олишларига қаратилган имкониятлар, ота-боболаримизнинг қилган ишлари, диний илмлар тўғрисида доимий маълумотларни бериб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

Жамият учун ҳар доим ёшларнинг тарбияси муҳим масала ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ва умуминсоний кадрятлар руҳида тарбияланган жамият тараққиётига ҳисса қўшишга қодир жисмонан ва ақлан етук ёшларни камолга етказишда ҳуқуқий билимларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади халқимиз фаровонлиги, жумладан ёшларнинг келажагига қаратилган, Президентимиз таъбири билан айтганда “Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этган бўламиз[1] Шу сабабли ўзбек оилаларимизнинг ўзига хос ички қонун-қоидалари, мезонлари, қадриятга айланган тартиб ва талаблари бор. Буларни бугунги кунда ўсиб келаётган фарзандларимиз ўзлаштиришлари ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Президентимиз томонидан қизларни олий маълумотли бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг исботи сифатида 2020-2021 ўқув йилида қизларимиз учун квоталар ажратилиши, қизларимизни илмли бўлиши бўлажак оилаларда фарзандлар тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Бугун биз ёшларимизга Ватанни севишни, мард ва жасур бўлишни, ўз тарихини маънавий ва миллий кадрятларга содиқ, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш ва ундан тўғри фойдаланиш, ўз мустақил фикрига эга бўлиши, жамиятда инсон сифатида ўз ўрнини топиши, жамият идеалини амалга оширишда ўз мақсадлари сари интилишга тўғри йўналтиришимизга зарур.

Хулоса қилиб, шундай фикрга келиш мумкинки, ҳар бир инсон ўз фаолиятини таҳлил қилиши, ахлоқий меъёрларга риоя қилиши ва кези келганда холис баҳолай олиш масъулиятини ўзида намоён қилиши лозим. Ҳар бир инсон ўзи яшаб турган жамият билан боғлиқлигини англайди ва жавобгарлик ҳиссини сезади. Ўзбек халқининг миллий турмуш тарзини шакллантириш, бу миллатнинг ҳар бир вакилининг кундалик ҳаётда ўз маънавий-ахлоқий ва жисмоний фаолияти учун фойдали бўлган одатларга ўрганиши, зарарли одатлардан тийилишга эришиши, шахсий ҳаёт тарзига фойдали бўлган ва хавфсиз турмуш кечириш учун зарур билимлар билан қуролланиши, охир-

оқибатда унинг ўзлаштирган билимларини кундалик одатга айлантиришига эришиши билан белгиланади. Бу, энг аввало, маънавий-ахлоқий идеалларнинг юксаклиги, унинг ўз ишидан қониқиш ҳисси, ҳаётга нисбатан фаол қарашда бўлиши, яхши маданий ҳордиқ олишни билишида, моддий мустаҳкамликка эришишида, оиласидан ижтимоий муҳитнинг барқарорлигида, ҳаёт йўлининг тўғри ташкил қилишида ёрқин намоён бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.
4. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).
5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений. *Бюллетень науки и практики*, (12 (25)), 293-299.
8. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
9. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием. *Бюллетень науки и практики*, (11 (24)), 357-363.
10. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light

Industrial Goods And The Factors That Shape It. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 43-46.

11. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdulkarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 40-42.

12. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).

13. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.

14. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 780-783.

15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.

16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.

17. Xonkeldiyeva K., & Xo'jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. Экономика и социум, (3 (70)), 145-147.

18. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.

19. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 18-19).

20. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In Наука сегодня: история и современность (pp. 17-19).

21. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 15-16).

22. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 17-18).

23. Бахтиёрович, Х. Ж. (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРИДА ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛИДИГАН

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 1-6.

24. Хонкелдиева, К., & Фарохиiddинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя.

25. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 40-41).

26. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 42-43).

27. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 13-15).

28. Хонкелдиева, К., & Фарохиiddинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 61-62).

29. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).